



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 ноябрь, № 236 (9131)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



«МАРКАЗИЙ ОСИЁ: УМУМИЙ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОС — УМУМИЙ КЕЛАЖАК» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, Сиз, азизларни — Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан ташриф буюрган таниқли олим ва тадқиқотчилар, маданият ва санъат намоёндаларини, халқаро ташкилотлар вакиллари, бой маънавий-маърифий меросимизнинг долзарб масалаларига бағишланган биринчи халқаро конгресснинг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан гоят мамнунман.

Маълумки, азалий дўстлик ва қардошлик ришталари билан боғланган Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбайжон халқларини умумий тарих ва маданиятимиз, бой маънавий ва илмий меросимиз янада бирлаштириб келади.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод қилган буюк тафаккур соҳиблари дунёни билм ва маърифат нури билан мунаввар этиб, фундаментал асарлари, машҳур илмий кашфиётлари орқали жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Мазкур анжуман янги барпо этилган

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани албатта бежиз эмас. Ушбу муаззам мажмуада уч минг йилдан зиёд шонли тарих, жумладан, минтақамиз заминидagi Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларини, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва келажагини мужассам этган ноёб интеллектуал-маънавий маскандан Сизлар бу ҳақиқатни яққол ҳис қилишингиз мумкин.

Хурматли конгресс иштирокчилари!

Турли минтақаларда зиддият ҳамда қарама-қаршилиқлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, ҳар бир ишда илм ва маърифатга таяниш, турли халқлар ўртасида ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш барчамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда бу борада катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги

йилларда қарийб 500 та янги умумтаълим мактаби барпо этилгани, олий ўқув юртларининг сони 77 тадан 202 тага етгани, Президент мактаблари, буюк олим ва мутафаккирлар номлари билан аталадиган ижод мактаблари фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Халқаро ҳамкорларимиз билан маънавий-маърифий меросни сақлаш бўйича тажриба ва фикр алмашиш, биргаликдаги қўшма тадқиқот ва лойиҳаларнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларнинг иштирокингизда Марказий Осиёдаги ислон цивилизациясининг глобал маърифатчилик ҳаракати, илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқас бу борада катта амалий қадам бўлади. Биз келгуси йили БМТнинг Бош қароргоҳида буюк аждод-

ларимизнинг бой илмий ва маънавий меросига бағишлаб ташкил этиладиган тақдимот доирасида мазкур резолюцияни қабул қилиш бўйича алоҳида тadbир ўтказишни режалаштирганмиз.

Буюк тарихга эга Марказий Осиёнинг илм-фан ва маърифат маркази сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун биргаликда самарали иш олиб боришимиз зарур ва бу шарафли йўлда барча шарт-шароитларни яратиб беришга тайёремиз.

Бугунги анжуман келгусида ҳам доимий ўтказилиб, илмий-маданий ҳаётимизда самарали мулоқот майдонига айланишига ишонаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шарафли фаолиятингизда янги ютук ва омадлар, конгресс ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Форум

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида «Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажақ» мавзусида халқаро конгресс бошланди.



Ахборот МУҲАММАДОВ олган сурат.

Тadbир Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон ҳамияти (WOSCU), Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Марказий Осиё халқаро институти ҳам-

корлигида ташкил этилган. Унда 300 га яқин олимлар, санъатшунослар ва таълим соҳаси вакиллари қатнашмоқда.

Халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, илмий ва маданий муассасалар вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбай-

жондан келган олимлар ва санъат арбобларини бирлаштирган ушбу қизгин тadbирнинг асосий мақсади минтақамиз халқларининг маънавий ва илмий меросини уларнинг бирлиги, ҳамкорлиги ва барқарор тараққиёти асоси сифатида ўрганишдир.



Душанбе шаҳрида

МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши мажлиси ўз ишини бошлади

Жорий йилнинг 13 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Халқаро анжуман

Ташрифнинг кунини кундаги Мажлисининг бир тартибидagi масалалар қўриб чиқилди.

Мажлис давомида Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерал Кенгаши Раиси В. Матвиенко МДҲга

азо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг Кенгаши раиси лавозимига қайта сайланди. Шу муносабат билан Сенат Раиси Танзила Норбоева В. Матвиенкони табриклаб, бу қарор унинг МДҲ доирасидаги парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган самарали фаолиятининг юқори баҳолалиши

эканини таъкидлади. Шу билан бирга, унга келгусидаги масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, 59-йили мажлисга тайёргарлик доирасида кун тартиби, регламент ва тахрир ҳайъати таркиби тасдиқланди. 2025 йилда Тожикистоннинг МДҲдаги раислиги юзасидан ахборот эшитилиб, келгуси йилда раислик Туркманистонга ўтиши қайд этилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Нуктаи назар

Янги Марказий Осиё: У қандай бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» номли мақоласини ўқиб...

Мен Марказий Осиё тарихини шартли равишда иккига бўлиш тарафдориман. Бу — 2016 йилгача бўлган Марказий Осиё ва 2016 йилдан кейинги Марказий Осиё.

Марказий Осиёнинг 2016 йилгача бўлган мураккаб қисматини, кечмишини ҳаммамиз яхши биламиз. У мудҳиш тарих орқага қайтишини ҳеч ким истамайди. 2016 йилгача бўлган даврда ўзаро муносабатлар ўта сунъий, ишончсиз, носамимий асосларга қурилган эди.

Минг афсуски, минтақа давлатлари 1991 йилга келиб, мустақил бўлганларидан сўнг ҳам мустабид тузум шакллантирган тўсиқларни олиб ташлолмади. Мураккаблиқларни бар-тарафга етлолмади. Аксинча вазият олдингидан-да ёмонлашди, таранглашди. Бир сўз билан айтганда, боши берк қўчага кириб қолди. Бу ҳудуд зўр бериб уруш домига тортила бошланди. Чорак аср давомида бундай қабиҳликка бир неча марта дуч келинди ҳам. Ушанда минтақа халқлари бири-бири билан ёвлашди, бегоналашди, узоклашди.

Аслида ташқи кучлар учун шу керак эди. Улар халқларимиз ўртасида уруш чиқаришга қанчалар ҳаракат қилишди. Марказий Осиё мамлакатларининг жуғрофий жиҳатдан жойлашуви, умумий кадриятлари, дини, тили, тарихи салкам икки аср давомида бузиб қўрсатилди, сохталаштирилди. Бир-биридан узоклаштириш мақсадида қанчадан-қанча ёлгонлар тўқилди, хийла-найранглар ўйлаб топилди. Бироқ Марказий Осиё мамлакатлари бир тану бир жон эканлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бу мамлакатларни бир-бирига тасаввур қилиш қийин.

2016 йилга келиб, Марказий Осиё тарихида туб бурилиш бошланди. Минтақага тоза ҳаво кириб келди, унинг томирларида соғлом қон оқа бошлади. Марказий Осиё эркин нафас олди. Тарих тилга кирди. Тарих тирилди. У бутунлай унутилиб кетмаган, аксинча халқларимизнинг юрагига, орзуларига, умидларига, келажагига қучиб ўтган эди.



ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёевга темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдимот қилинди.

Темир йўл тармоғида бошланган кенг қўламли трансформация жараёнлари ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Ўтган йилни тармоқ илк бор соф фойда билан яқунлади, жорий йилнинг биринчи тўққиз ойида соф фойда 800 миллиард сўмдан ошди. Транзит ва йўловчи ташиш, экспорт ва инвестиция ҳажмлари ўсиб бормоқда.

Тақдимотда бу натижалар билан чекланмай, аҳоли сони ва иқтисодиёт ўсишига мос равишда темир йўл транспорти хизматларининг сифати ҳамда қамровини кенгайтириш, тармоқда харажатларни қисқартиришни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, транспорт ҳисобидан бошлаб, ҳаракат оқимиғача бўлган барча босқичларда сунъий интеллект асосида назорат ўрнатиш орқали харажатларни тахлил қилиш, йўл қўйлаётган йўқотишларни аниқлаш ва шу асосда таннархни 20 фоизга қамайтириш мумкинлиги қайд этилди.

2026 — 2030 йилларда йўловчи ва юк ташиш ҳажмини камида икки баробарга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Буни таъминлаш учун 151 километр янги темир йўл қуриш, 182 километр масофадаги йўллارни электрлаштириш, шунингдек, 27 та мавжуд станция ва 1 минг километр йўлни модернизация қилиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Жумладан, Нурафшон — Пскент — Бўқа — Бекобод — Боевут — Янгиер ва Ховос — Даштобод йўналишларида электрлаштирилган янги темир йўллار қурилади. Кумўртон — Кудуқли, Самарқанд — Ургут ва Байтўғрон — Паркент йўллари электрлаштириш, Тошкент — Самарқанд, Тўқимачи — Ангрен ва Ангрен — Поп йўллари-нинг ўтказувчанлиги қобилиятини ошириш режалаштирилган.

Республика бўйлаб шаҳарлар атрофида қатнайдиغان поездлар ҳаракатини фаоллаштириш мақсадида мавжуд 40 та йўналишга қўшимча яна 15 та янги йўналиш очиш тақлиф қилинди.

Хусусан, Тошкент — Нурафшон — Охангарон — Ангрен, Навоий — Зарафшон — Учқудук, Қўқон — Наманган — Андижон — Марғилон, Термиз — Кумўртон — Бойсун — Дарбанд, Нукус — Шовот — Урганч — Хива, Жиззах — Дўстлик — Айдар-Арнасой кўли, Қарши — Шахрисабз каби йўналишларда шаҳар атрофи қатновларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг кундалик сафарлари учун қулай

Ў.А.

Ўзбекистон ва Қозоғистон: Ўзаро ишонч, стратегик шериклик ва иттифоқчилик

1 2025 йилнинг ўтган даври ҳам икки томон учун самарали бўлди. Қозоғистон Президенти 2025 йил 3-4 апрель кунлари “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди, Ўзбекистон Президенти эса май ва июнь ойларида “Марказий Осиё — Италия” ҳамда “Марказий Осиё — Хитой” саммитларида қатнашиш учун икки марта Остонага ташриф буюрди.

2018 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви механизми алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу платформа минтақавий сиёсатни мувофиқлаштириш учун ноёб майдонга айланди. Бу орқали Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлашга ягона ёндашувни намойиш этаётир.

Минтақавий ташаббусларни биргаликда амалга ошириш ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва транспорт алоқаларининг самарадорлигини оширишга ҳамда гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги фаол ҳамкорлик сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат идоралари мунтазам равишда БМТ, МДХ, ШХТ, ИХТ, ТДТ ва бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиكنи ўз ичига олган икки томонлама ва

“Қозоғистон Ўзбекистоннинг учта энг йирик ташқи савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2024 йилда Ўзбекистоннинг Қозоғистон минтақавий савдо айланмасидаги улуши 55,8 фоизни ташкил этди.”

2018 йилда ҳудудлараро ҳамкорлик механизми — Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлараро форуми ишга туширилди. Тўртинчи форум 2024 йил 20-21 октябрь кунлари Самарқандда ўтказилди, бешинчиси эса 2026 йилда Қозоғистонда уюштирилиши режалаштирилган.

Парламентлараро ҳамкорлик сиёсий мулоқотнинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида икки мамлакат Сенатлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. 2018 йил

26 ноябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Парламенти Мажлиси ўртасида худди шундай ҳужжат имзоланди.

2020 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон Парламенти билан ҳамкорлик бўйича комиссияс ягузилди. Қайд этиш жоизки, Қозоғистон парламентининг иккала палатасида ҳам ўзаро ҳамкорлик гуруҳлари фаолият юритмоқда.

Мунтазам парламентлараро алоқалар нафақат сиёсий ишонч-

ни мустаҳкамлайди, балки иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишга қаратилган қонунчилик ташаббусларини мувофиқлаштириш-ни ҳам таъминлайди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг учта энг йирик ташқи савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2024 йилда Ўзбекистоннинг Қозоғистон минтақавий савдо айланмасидаги улуши 55,8 фоизни ташкил этди.

2022 йилда икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари раислигида Қўшма лойиҳаларни мониторинг қилиш ва импорт ўрнини босиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи тузилди.

Маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик 1994 йил 10 январдаги ҳукуматлараро келишувга асосланади. Сўнгги йилларда маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун ўнлаб тадбирлар, жумладан, кўргазмалар, фестиваллар, гастроль сафарлари ва форумлар ташкил этилди.

2023 йилда Самарқанд ва Бухорода Қозоғистон маданияти кунлари, 2024 йилда эса Остона ва Олмаотада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Туризм соҳасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик йўналишларини биргаликда тарғиб қилмоқда. Бу эса маданий алмашинувни оsonлаштиради, хорижий сайёҳларни жалб этади ва янги иш ўринларини яратяпти. Шунингдек, зиёрат туризми фаол ривожланмоқда, икки мамлакат фуқаролари ва хорижий меҳмонлар учун қўшма турпакетлари ташкил қилинмоқда.

Таълим ва фан соҳасидаги яқин шериклик гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Университетлар ўртасида академик алмашинув кенгайиб, икки томонлама диплом бериш дастурлари доирасида тахсил олаётган талабалар сони ортиб бормоқда. Қозоғистонда Ўзбекистон университетларининг филиаллари, Ўзбекистонда эса Қозоғистон олий таълим муассасаларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро

ишонч, очиклик ва қўллаб-қувватлашга асосланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик моделини намойиш этмоқда. Икки томонлама муносабатлар сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб маданият ва таълимгача бўлган барча асосий соҳаларни қамраб олади.

Давлат раҳбарлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро форматларида — Марказий Осиё раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари, ШХТ, МДХ, ИХТ ва бошқа ташкилотлар доирасидаги иштироки минтақада тараққиёт, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги ролини кучайтиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари ўзаро ҳамкорлиكنинг янги даражасига кўтарилмоқда. Бу Марказий Осиёнинг қардош халқлари иттифоқи кучли салоҳиятга эга эканини ва бутун минтақа учун таянч бўлиб хизмат қилишини тасдиқлайди. Шу нуктаи назардан, Қозоғистон Президентини Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги саҳифа очади ва икки мамлакатнинг биргаликдаги сайё-ҳаракатлари Марказий Осиё минтақасини тинчлик, барқарор ривожланиш ва фаровонлик маконига айлантиришга ҳисса қўшади.

«Дунё» АА.

Сенат қўмитасида

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА – УСТУВОР ВАЗИФА



Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда дастлаб “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун юзасидан қўмита хулосасини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида қонун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилгани, унда ижтимоий иш соҳасидаги асосий тушунчалар акс эттирилгани, ижтимоий иш соҳасининг асосий принциплари, уни уюштириш, тартибга солиш, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам ҳамда бу йўналишда давлат назорати, ижтимоий ҳодимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий ҳодим фаолиятининг кафолатлари белгилаб берилаятгани айтилди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан ушбу қонуннинг айрим нормаларини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, ижтимоий хизмат-

лар ва ижтимоий ёрдамни туғатиш бўйича айрим асосларнинг амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларига зид келиб қолганлиги, ижтимоий иш соҳасида ижтимоий ҳодимларнинг ҳуқуқлари белгиланмаганлиги, шунингдек, қонунда акс эттирилиши мумкин бўлган қатор нормалар қонуности ҳужжатларига ҳавола қилинаётганлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида қонунни рад этиш тўғрисидаги хулосани Сенат Кенгашига киритиш бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Сирдарё вилоятида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини ўрганиш натижаларини муҳокама қилишди.

Вилоятда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила

сифатида рўйхатга олинган оилалар сони 15 885 тани ҳамда уларнинг оила аъзолари 89 150 нафарни ташкил этади.

Кам таъминланган оилалар аъзоларининг 64 836 нафари тиббий қўриқдан ўтказилган, улардан 6996 нафари биринчи мартаба шифокор назоратида жалб қилинган. Касали аниқланган кам таъминланган оила аъзоларининг 7171 нафарига ўй шароитида, 4610 нафарига кундузги стационар шароитда ҳамда 8451 нафарига амбулатор даволашни бўйича тавсиялар берилган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан кам таъминланган оилалар аъзоларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини берувчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ягона тиббиёт ахборот тизими — ДМЕТ” ҳамда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига интеграциялаштирилмагани танқид қилинди. Шунингдек, оилалардаги беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни доимий кузатувга олиб, уларга тиббий хизматни уйига борган ҳолда кўрсатиш ҳамда индивидуал патронаж тизими тўлиқ йўлга қўйилмагани, кам таъминланган оила аъзоларининг тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилмагани қайд этилди.

Муҳокама сўнггида аниқланган муаммолари масалаларни ҳал этишни назарда тутувчи қўмита қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг “Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун инвестицияларни жалб этиш борасида жорий йилнинг тўққиз ойида олиб борилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат. Шу мақсадда 2025 йил январь — сентябрь ойларида 30,5 млрд. долларлик хорижий инвестиция ўзлаштириш режалаштирилган. Амалда 35,7 млрд. долларлик маблағлар ўзлаштирилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида амал-

га оширилган инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 127,5 мингта янги иш ўрни яратилган. Йил якунига қадар ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 9 868 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилши ҳисобига 301,1 мингта янги иш ўрни очилиши кутилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизга киритилган жиҳоз ва ускуналарнинг тўлиқ ишлатилиши, ажратилган кредитлар ҳамда имтиёзлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда маҳсулотлар таннаркини қамайтириш чораларини кўриш масалалари атрофида муҳокама этилди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Депутатлар ва Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтириш, саноат тармоқларини ривожлантириш, улар натижасида ташкил қилинадиган корхоналарнинг қўпайтириш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, миллий брендларни дунё бозорига олиб чиқишни жадаллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ғолиб БАҲРОМОВ
«Халқ сўзи».

Маданият

ЮНЕСКОнинг Самарқанд форуми:

ҒАОЛ ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯ ВА ЭРКИН МУЛОҚОТ

Самарқанддаги конгресс марказида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 43-сессиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида сўзга чиққанлар 30 октябрда бошланган мазкур халқаро форум қадимий Самарқанд шаҳрида муваффақиятли ўтказилганини таъкидлади. Унда ташкилотга аъзо 180 дан ортиқ давлатлардан 4,6 минг нафар — Бош конференция сессиялари тарихида энг кўп вакил қатнашгани эътироф этилди.

Икки ҳафта давомида Бош конференция сессия мажлислари билан бирга 150 дан ортиқ тадбир, семинар ва конференциялар, халқаро кўргазмалар, концерт дастурлари намойиш этилди. Ташкилотга аъзо давлатлар томонидан тақдирмолар ўтказилди.

Самарқанд форуми тадбирлари доирасида илк бор Абу Райҳон Беруний номдаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро муқофоти ўз эгаларига топирилди.

Бош конференция 43-сессиясида 2017 йилдан буён ЮНЕСКОга раҳбарлик қилган Оди Азуле хонимнинг ваколат муддати якунлаиб, у тантанали тарзда кузатилди. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришдаги катта хизматлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун Оди Азуле хоним давлатимизнинг юксак муқофоти — “Дустлик” ордени билан тақдирланди.

Мисрлик олим ва сиёсат арбоби Холид ал-Ананий ЮНЕСКОнинг янги бош директори этиб сайланди ва ташкилотнинг 12-раҳбари сифатида Самарқандда инаугурация маросимини ўтказди.

— Биз ташкилотимизнинг сўнгги қирқ йилдаги тарихида илк бор Париждаги бош қароргоҳимиздан ташқарида, дунёга машҳур Самарқанд шаҳрида Бош конференция сессиясини муваффақиятли уюштирдик, — дейди ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси раиси Хондер Мухаммад Талха. — Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ташаббуси асосида амалга оширилди. Бу билан Ўзбекистон ЮНЕСКО миссиясини қўллаб-қувватлаши, халқаро дипломатия ва мулоқотга очиклигини яна бир бор намоян этади.

Сессия давомида бугун дунё халқлари дуч келаётган глобал муаммолар бўйича тезкор чоралар қабул қилиш, турли минтақаларда юз бераётган низоларни дипломатик мулоқот йўли билан ҳал этиш, икким ўзараси муаммоларига биргаликда ечим топиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, болаларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш кафолатини яратиш ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди. Ушбу муҳокамалар ва қабул қилинган қарорлар, албатта, ЮНЕСКО мақсадларини рўбга чиқариш, дунё халқларининг манфаатларини ишончли ҳимоялашга ҳисса қўшади.

Анжуман якунида қатнашчилар ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси юқори савияда ўтказилгани ва фаол мулоқотга имконият яратилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди ва бу ҳақда тегишли ҳужжат қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ: У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Баркорор ва бирдам Марказий Осиеъ гоёси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг изтиробларида, армонларида яшаётган эди. Давлатимиз раҳбари бир бутун Марказий Осиеъ маъсадининг яратувчиси, асосчиси сифатида тарих майдонида мардонавор чиқиб келди.

Бугунги кунда Президентимиз ўз мақоласида таъкидлаганидек, “Аста-секин Марказий Осиеънинг янги минтақавий ўзига хослиги вужудга келмоқда. Бу фарқли жихатларимизни эътироф этиш ва аини пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятини, тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини чуқур англашга асосланади. Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчаннинг ютуғи, деган ягона минтақавий макон-

га мансублик хисси шаклланмоқда”.

2017 йилда Марказий Осиеъ давлатлари етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташки воситачиларсиз мунтазам мулоқотга асос солди. Марказий Осиеъда илк бор ишончга асосланган янгича тафаккур пайдо бўлди. Бунинг натижасида эски даврлардан қолган бир қатор муаммоларга ечим топилди. Қатъий сиёсий ирода таъминлаган амалийлик, маънаватлар мувозанатига эришилди. Ўзбекистон томонининг ташаббуслари тўла маънода қўллаб-қувватланиб ҳамжихатлик, ўзаро ишонч, тенглик муҳити яратилди. Бир пайтлар қайта-қайта таъкидланган — Марказий Осиеъда чегара масалаларини ҳеч қачон ҳал этиб бўлмайди, деган савфасатларга бутунлай барҳам берилди. Бу масала узил-кесил ўз ечимини топди.

Давлатимиз раҳбари мақола-сида қайд этилганидек, “2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолагани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Буни ҳақли равишда оламшумул воқеа, деб аташ мумкин”.

Яқин тарихимизда биринчи марта ўзаро чегаралар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бир пайтлар чегара масалаларида тузилган ҳуқумат комиссиялари йиллаб ечим тополмаган муаммолар тарих қаърига улоқтирилди.

Марказий Осиеъда сув-энергетика йўналишида чорак аср ҳукмронлик қилган танглик тугатилди. Аксинча ҳамкорликда ГЭСлар қуриш, трансчегаравий дарёлар, сув омборларидан бир-

ғаликда оқилона фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Президентимиз мақолада таъкидлаганидек, “Амалий ҳаракатларимиз, келажак учун масъулиятимиз, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат таъминилари содиқлигимиз шунли исботлади: Янги Марказий Осиеъ тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз”.

Марказий Осиеънинг нафақат бугунги, балки келажаги ҳақида ўйлаш жуда муҳим. Чунки бу борада биз анча-мунча вақтдан ютказганимиз бор гап.

Президентимизнинг “Янги Марказий Осиеъ” гоёси қалаба қозонишига ишончим комил. Давлатимиз раҳбари орузсидаги Янги Марказий Осиеъ бутун дунёда ўз сўзига, овозига, ўрнига эга

бўлиши муқаррардир. Мақолада таъкидланганидек, Марказий Осиеъ ташки ҳамкорлар билан халқаро муносабатларнинг ягона субъекти сифатида мулоқот қилса, унинг овози баландроқ ва ишончлироқ янграйди, позициямиз кўчлироқ бўлади.

Янги Марказий Осиеънинг мустақам пойдеворини яратишда тарихий бир даврни бошимиздан кечирмоқдамиз. Мамлакатимизнинг позицияси аниқ ва қатъий — “Ўзбекистон учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш тактик танлов эмас, балки Марказий Осиеъ келажаги учун умумий масъулиятни англашдан келиб чиқадиган онгли стратегик қарордир”.

Рустам ХОЛМУРДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арабиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ БИРЛАШГАН ОВОЗИ

Бугунги кунда Марказий Осиеъ ўз ривожланишининг янги, тарихий аҳамиятга эга босқичига қадам қўймоқда. Энг асосийси — минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳитига асосланган ҳақиқий бирдамлик босқичи шаклланмоқда. Бу жараён ҳеч қачон ўз-ўзидан юзага келмаган. У минтақа раҳбарларининг сиёсий иродаси, узоқни кўзлаган стратегик қарашлари ва халқларимизнинг умумий манфаатларига содиқлиги натижасидир.

Ўтган йилларда юз берган туб ўзгаришлар — чегараларнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши, сув-энергетика масалаларида ўзаро муросага эришилиши, иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг кенгайиши — бу минтақа раҳбарларининг масъулиятли, оқилона сиёсатининг амалий самарасидир. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара шартномасининг имзоланиши, “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳаси бўйича уч томонлама битим, ID-карталар асосида чегаралардан ўтиш тартиби каби ташаббуслар ҳамкорлик руҳининг энг ёрқин кўринишидир.

Давлат раҳбарлари ташаббуси билан йўлга қўйилган Маслаҳат учрашувлари формати эса минтақавий му-

лоқотнинг самарали механизми сифатида ўзини тўлиқ оқлади. Бугунги кунда бу формат минтақа мамлакатларининг стратегик қарашлари ва келажакка доир позицияларини мувофиқлаштиришда асосий платформага айланди.

Президентимиз мақоласида қайд этилганидек, сўнгги саккиз йил ичида минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий кўрсаткичлар сезиларли даражада ошди. Ўзаро савдо ҳажмининг икки баробар, сармояларнинг эса беш баробардан зиёд кўпайгани, саноат кооперациясининг янги шакллари йўлга қўйилгани — Марказий Осиеъ иқтисодий маконининг жадал шаклланаётганидан далолат беради. Эътиборлиси, бу жараёнлар инсон

манфаатларига хизмат қилмоқда. Янги транспорт йўналишлари, туризмнинг ривожланиши, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги алмашинувлар халқларимизни янада яқинлаштирмоқда. Марказий Осиеъ халқлари бугун ўз ҳаётида ҳамжихатлик меvasини амалда ҳис этмоқда.

Шунингдек, мақолада Афғонистон билан боғлиқ масалаларга ҳам чуқур ва масъулиятли ёндашув акс этган. Минтақавий барқарорлиқни таъминлаш, бу мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тиклашга кўмаклашмиш умумий хавфсизлик учун муҳим шартдир.

Ушбу мақола минтақавий сиёсатдаги мувозанат, иқтисодий ҳамкорликдаги изчиллик, инсонпарварлик таъминиларидаги янгилишни йўлида мустақам пойдевор вазифасини ўтайди. Унда илгари сурилган гоёлар парламентлараро мулоқотни кучайтириш, халқаро майдонда минтақанинг бирлашган овозини янада баландроқ янграш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

СИЁСИЙ ТАФАККУР РАМЗИ

Бугун Марказий Осиеъ давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги, тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичга қадам қўймоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда 2018 йилда Остона шаҳрида бошланган Марказий Осиеъ давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви муҳим аҳамият касб этади.

Айнан ушбу ташаббус сабаб минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташки воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошлади. Бу ишончга, очкилик ва умумий манфаатларни англашга асосланган янгича сиёсий тафаккур рамзига айланди. Мунтазам ўтказиб келинаётган Маслаҳат учрашувлари натижасида қўллаб-қувватланган муаммоларимиз бир-галикда ҳал этилди.

Шу боис бўлажак Тошкент саммити олдида энг кўп қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти мақоласида илгари сурилган фикр ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг келажак тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга экани, шубҳасиз. Давлати-

миз раҳбари таъкидлаганидек, Марказий Осиеъда ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити барқарор равишда шаклланмоқда. Бу жараёнлар минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида қучур сифат ўзгаришларини белгилаб бермоқда.

Бугунги кунга келиб Марказий Осиеъ давлатлари раҳбарларининг бирдамликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида ҳамкорлик учун мустақам сиёсий ва ҳуқуқий пойдевор яратилди. Эришилган келишувларнинг фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижаларга айланиши бу жараёнинг энг муҳим вази-фасидир.

Шу нуқтаи назардан, Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги саммит минтақавий бирдамлиқни янги

босқичга олиб чиқиши, ҳамкорликни қучурлаштиришда туб бурилиш ясаши кутилмоқда. Сабаби бугунги глобал ўзгаришлар жохон иқтисодиётидаги бекарорлик, иқлим муаммолари, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги масалалари минтақавий бирлашишни нафақат сиёсий мақсад, балки стратегик зарурат даражасига кўтармоқда.

Мақолада Президентимиз таъкидлаган энг муҳим жиҳатлардан бири, бу — чегара масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳал этилгани. Ўтган йиллар давомида минтақа давлатлари ўртасида маъжуд бўлган чегаравий келишмовчиликлар қўллаб муаммоларга сабаб бўлган эди.

2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида имзоланган уч давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларацияси халқларимизнинг ўзаро ишончи ва бирдамлиги рамзи сифатида катта тарихий қадамдир.

Кўп йиллар тўсиқ бўлган чегаралар бугун дўстлик, савдо ва ҳамжихатлик кўпригига айланди. Бу эса чегара ҳудудларидаги аҳоли учун янги иқтисодий имкониятлар, савдо алоқаларининг кенгайиши ва инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг кучайишига хизмат қилмоқда.

Бугун Марказий Осиеъ барқарорлик, ҳамжихатлик ва бунёдкорлик ҳудудига айланмоқда. Мамлакатимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар минтақани умумий фаровонлик ва ривожланиш йўлида бирлаштирмоқда.

Парламент вакили сифатида бу сиёсий йўлни қўллаб-қувватлаймиз, чунки у халқларимиз тинчлиги, иқтисодий юксалиши ва келажак авлодлар учун барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Диррабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Энди шундай тартибни Қозогистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этиш борасида келишувлар ишлаб чиқилмоқда.

Мақолада таъкидланганича, Марказий Осиеъ аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтди. БМТ прогнозларига кўра, 2050 йлга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошади. Минтақамизда демографик вазиятнинг мўътадил экани, аҳоли таркибида ёшлар улушининг кўплиги минтақаси келажакнинг ёрқинлигини белгилаб бериши, шубҳасиз.

Яна бир муҳим масала, бўлажак Тошкент саммитида бизнес ва инвестициявий фоаллик, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш кооперацияси марказини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам барқарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Марказий Осиеъни биргаликда барпо этишга асос бўлади.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МАКОНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиеъ янги давр остонасида” номли дастурий мақоласи нафақат минтақа келажагига оид концептуал қарашларни, балки янги сиёсий тафаккур ва ҳамкорлик маданиятининг ифодасини ўзида муҷассам этган. Унда илгари сурилган гоёлар бугунги ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик руҳининг сиёсий, иқтисодий ҳамда гуманитар пойдеворини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Бугун Марказий Осиеъ давлатлари тарихий бурилиш нуқтасида турибди. Президентимиз таъкидлаганидек, минтақа энди рақобат ёки бўлишни майдони эмас, балки умумий манфаатлар ва тараққиёт йўлида бирлашаётган, ўз овозига эга бўлган ҳудуд сифатида шаклланмоқда. Энг муҳими, бу жараён ташки босимлар таъсирида эмас, балки минтақа етакчиларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг эзгу интилишлари натижасида юз бермоқда.

Халқ вакили сифатида алоҳида эътибор берадиган жиҳат ушбу мақолада илгари сурилган “девор эмас, балки кўприк барпо этиш” таъминилдир. Сўнгги йилларда чегара масалаларининг ҳал қилиниши, қўшма энергетика ва инфратузилма лойиҳалари, халқаро “Марказий Осиеъ плюс” форматларининг йўлга қўйилиши, ёшлар, аёллар ва илм-фан соҳасидаги мулоқотлар — буларнинг барчаси ўзаро ишончини амалий натижага айлантирганини кўрсатади.

Мақолада келтирилган рақамлар ҳам бу ишончнинг иқтисодий ифодасидир: сўнгги саккиз йилда минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми икки баробар, ўзаро инвестициялар эса қариб олти баробар ошган. Бу — минтақавий сиёсатнинг натижадорлигини кўрсатувчи аниқ мезон.

Бундан ташқари, Президентимизнинг Афғонистон масаласига нисбатан билдирган ёндашуви — инсонпарварлик ва минтақавий масъулиятнинг ёрқин намунаси. “Афғонистон минтақамизнинг тарихий қисми” деган фикр, аслида, бутун Марказий Осиеънинг барқарорлиги учун масъулиятли ёндашуви ифодаляди.

Шунингдек, мақолада илгари сурилган “яшил” иқтисодиёт ва рақамли тараққиёт йўналишларидаги ташаббуслар бу нафақат минтақавий ҳамкорлик, балки глобал рақобатда ўз ўрнини топаётган янги Марказий Осиеъ концепциясининг амалий йўналишидир.

Шу боис Президентимизнинг ушбу дастурий мақоласи — Марказий Осиеъда сиёсий барқарорлик, иқтисодий интеграция ва инсон манфаатларига асосланган янги даврнинг “Йўл харитаси”, десак, аниқ ҳақиқат бўлади.

Бугунги кунда парламент ва ҳукумат, фуқаролик жамияти институтлари зиммасида ана шу стратегик мақсадларни қўллаб-қувватлаш, қонунчилик ва ташаббуслар орқали мустақамлаш масъулияти турибди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, минтақамизда кечаётган жараёнлар — бу онгли ва орта қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажакимиз учун масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиеъ янги давр остонасида” сарлавҳали таҳлилий мақоласи кенг жамоатчилик томонидан қизгин ўқилмоқда. Унда илгари сурилган гоёлар минтақавий интеграция, хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётнинг илмий-назарий асосларини қамраб олгани билан гоётда аҳамиятлйдир.

Мақолада минтақавий сиёсий муҳит ва янги ҳамкорлик модели кенг очиб берилган. Унда сўнгги етти-саккиз йилда Марказий Осиеъ давлатлари ўртасида шаклланган ишонч муҳити ҳамда мулоқот маданияти асосий омил сифатида таъкидланади. Бу жараёни илмий нуқтаи назардан “мулоқот дипломатияси” деб баҳолаш мумкин. Ушбу ёндашув минтақадаги муаммоларни музокара ва ишонч асосида ҳал этиш имконини берди.

Шунингдек, маскур жараёнларнинг амалдаги кўринишлари сифатида қатор омиллар кўрсатиб ўтилади. Мисол учун, давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари институционал шакл олгани, чегара масалалари дипломатик йўл билан ҳал этилгани, сув, транспорт ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилгани ана шулар сирасига киритилади. Маскур сиёсий модель Марказий Осиеънинг “яхши қўшничилик макони” сифатида тикланишини таъминлади.

Мақоладан иқтисодий ривожланиш ва интеграция жараёнларининг таҳлили ҳам кенг ўрин олган. Келтирилган иқтисодий маълумотлар минтақадаги интеграция жараёнларининг динамикасини яқол ифодаляди. Чунончи, ЯИМнинг 2,5 баробар ўсиши, ўзаро савдо ҳажмининг икки баравар ошиши ва инвестициялар ҳажмининг беш баравар кўпайиши — бу минтақавий иқтисодиётнинг функционал бирлашув босқичига кирганидан далолат беради, албатта.

Геосиёсий позиция ва халқаро муносабатларда Марказий Осиеънинг субъектлиги масалалари ҳам мақоладаги муҳим жиҳатлардан бири сифатида қамраб олинган. Яъни бунда илгари сурилган муҳим тезислардан бири — Марказий Осиеънинг халқаро муносабатлардаги янги

қамизнинг табиий бир қисми” деган фикр, аслида, бутун Марказий Осиеънинг барқарорлиги учун масъулиятли ёндашуви ифодаляди.

Шунингдек, мақолада илгари сурилган “яшил” иқтисодиёт ва рақамли тараққиёт йўналишларидаги ташаббуслар бу нафақат минтақавий ҳамкорлик, балки глобал рақобатда ўз ўрнини топаётган янги Марказий Осиеъ концепциясининг амалий йўналишидир.

Шу боис Президентимизнинг ушбу дастурий мақоласи — Марказий Осиеъда сиёсий барқарорлик, иқтисодий интеграция ва инсон манфаатларига асосланган янги даврнинг “Йўл харитаси”, десак, аниқ ҳақиқат бўлади.

Бугунги кунда парламент ва ҳукумат, фуқаролик жамияти институтлари зиммасида ана шу стратегик мақсадларни қўллаб-қувватлаш, қонунчилик ва ташаббуслар орқали мустақамлаш масъулияти турибди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, минтақамизда кечаётган жараёнлар — бу онгли ва орта қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажакимиз учун масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Президентимизнинг “Марказий Осиеъ янги давр остонасида” номли мақоласида баён қилинган фикрлар нафақат минтақавий сиёсатда, балки халқларимизнинг келажак йўлини белгилаб беришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун самарали ташки сиёсат олиб бориш, ҳамкорлар доирасини кенгайтириш, жумладан, яқин қўшниларимиз билан минтақавий шерикликни қучураштириш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, ҳозирда жохон тартиботининг кенг кўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодиётни парчалашга қаршилган хатарлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиб бораётгани Марказий Осиеъ давлатларининг

минтақавий ҳамкорлик йўлидаги интилишларини кучайтирмоқда.

Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясади, десак, муноболага эмас.

Минтақавий шериклик борасида бошланган энг муҳим ютуқлардан бири — чегара масалалари узил-кесил ҳал этилгани.

Наманган вилоятидан сайланган депутат сифатида шунли айта оламани, яқин-яқинларгача Қирғизистон ва Тожикистон билан чегара масалалари ҳал этилмагани

Яқинда ҳукумат қарори билан тасдиқланган низомга кўра, ҳар йили 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш куни арафасида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашган фаол фуқаролар кўкрак нишони билан тақдирланади.

